ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СЕМИНАР-КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам халқаро семинар-конференция қатнашчилари ва меҳмонлари!

Сизларни Ўзбекистон диёрида қутлашдан ҳамда гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича халқаро семинар-конференция Тошкентда ўтказилаётганидан мамнунлигимни изҳор этишдан астойдил хурсандман.

Турли давлат ва халқаро ташкилотлар вакилларининг БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш дастури доирасида ўтказилаётган ушбу анжуманда учрашуви ЮНДКП ҳомийлигида жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг ҳамкорлигини ривожлантириш ва уларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш йўлидаги муҳим ва ўз вақтида ташланган қадам экани шубҳасиздир.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотропик моддалар ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ муаммолар жаҳон жамоатчилигини асосли равишда тобора ташвишлантирмоқда.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айирбошланиши кишиларнинг, энг аввало ёшларнинг соғлиғига, ҳаётига ҳалокатли таъсир этади, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик асосларига путур етказади ҳамда халқаро доирадаги уюшган жиноятчилик ва террорчилик пайдо бўладиган муҳит яратади.

Бу муҳим муаммоларнинг ҳал этилиши минтақавий ва оламшумул даражада ҳаракатларни мувофиқлаштиришни тақозо қилади.

Биз анжуман давомида имзоланажак ўзаро англашмалар ҳақидаги меморандумни минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ишига қўшилган муҳим ҳисса, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкентда ўтказилган семинар-кенгаш ғояларининг амалга оширилиши, деб баҳолаймиз.

Семинар-конференциянинг барча қатнашчилари ва меҳмонларига самарали ишлаб, уни муваффақият билан якунлашни тилашга ижозат бергайсизлар.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сэр,

Жаҳон Интеллектуал мулк ташкилотининг (ЖИМТ) Бош директори сифатида ташкилотимиз Сизни, сэр, Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳомийси сифатида ЖИМТ Олтин медали билан мукофотлашга қарор қилганини маълум қилиш менга мамнуният бахш этади.

Сиз ЖИМТ Олтин медалига сазовор бўлган биринчи давлат бошлиғисиз. Бу илмий ва технологик ихтирочилик фаолиятига кўмаклашишга, шунингдек мамлакатингизнинг ЖИМТ билан ҳамкорлигига шахсан қўшган буюк ва ижодий ҳиссангизга билдирилган эҳтиромдир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Сиз саноат мулки тўғрисида тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиш, саноат мулки миллий тизимини барпо этиш ва ривожлантириш зарурлигини англаб, ЖИМТ доирасида энг муҳим халқаро шартномалар тузишда алоҳида донолик ва зийраклик кўрсатдингиз. Ташкилотимиз ўтган йили мамлакатингиз вакили Пўлат Ҳабибуллаевни ЖИМТ конференцияси раиси этиб сайлагани — бу ташкилотнинг Ўзбекистонни халқаро миқёсда таниганини ифодалайди.

Ишончим комилки, бу чора-тадбирлар эркин илмий-технологик ижод ва бозор иқтисодиётига мувофиқ маҳаллий ва хорижий ихтирочиларни қўллаб-қувватлашга, уларни, шунингдек саркмоядорларни Ўзбекистонга жалб этишга кўмаклашади.

Жаҳонга Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва Хоразмий сингари буюк мутафаккирларни етиштириб берган гўзал мамлакатингизга 1996 йил май ойида қилган ташрифимдан фойдаланиб, ЖИМТ Олтин медали ва дипломини Сизга шахсан ўзим топширмоқчиман. Ўзбекистон халқига тинчлик ва равнақ, мамлакат раҳбари сифатидаги қийин ва фахрли вазифангизда катта муваффақият, интеллектуал мулк соҳасида Ўзбекистон билан бутун дунё ўртасида янада самарали ҳамкорлик тилайман.

Сэр, Сизга улкан эҳтиромимни қабул айлагайсиз.

Арпад БОКШ,
ЖИМТ Бош директори.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 7 май, сешанба № 55 (21.976).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Уруш фахрийларига мунтазам ғамхўрлик кўрсатиб келаётганингиз учун Бухоро вилояти Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз.

Сизнинг Ғалаба байрами муносабати билан чиқарган 1996 йил 1 майдаги Фармонингизни биз фахрийлар катта қувонч билан кутиб олдик. Она Ўзбекистонимизнинг бахтига ҳамиша омон бўлинг.

Бухоро вилояти уруш фахрийлари номидан
Азим РАҲИМОВ,
вилоят Фахрийлар кенгаши раиси, Қаҳрамон.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ БИРЛИГИГА ҲЕЧ НАРСА РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ

6 май куни Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаевнинг навбатдаги учрашуви бўлди. Унда уч давлат ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий макон бўйича шартноманинг бажарилиши, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси, сув ва энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Учрашув олдидан уч давлат раҳбарларининг холи суҳбати бўлиб ўтди.

Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари ҳудудида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш мақсадида ягона иқтисодий макон барпо этилганига икки йил тўлди. Шу вақт мобайнида мазкур шартномада қатнашувчи давлатлар ўртасида иқтисодий иттифоқ асоси яратилди, иқтисодиётларни яқинлаштириш йўллари белгиланди. Ишчи кучи ва товарларнинг эркин ҳаракатланиши, келишилган ҳисоб-китоб, солиқ, божхона ва пул сиёсати ўтказиш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Иқтисодиётларимиз, унинг баробарида халқларимиз бир-бирига янада яқинлашди. Марказий Осиё ҳамкорлик банки томонидан маблағ билан таъминланадиган 53 та аниқ лойиҳани ўз ичига олувчи интеграция дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Унга мувофиқ қўшма ишлаб чиқариш қувватлари ва бирлашмалари ташкил этилмоқда, Марказий Осиё умумий бозори шаклланмоқда.



Мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишда ягона иқтисодий маконда фаолият кўрсатаётган бир қанча корхона, фирма, бирлашма ва корпорацияларнинг фаол иштирок этаётгани учрашувда мамнуният билан таъкидланди.

Шу билан бирга мазкур давлатлар Бош вазирлари Кенгашига, Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитасига интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш, Марказий Осиёдаги уч давлат иқтисодиётини босқичма-босқич яқинлаштира бориш, ишлаб чиқариш кооперацияси имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, ўзаро фойдали меҳнат тақсимотини жорий этиш борасида қўшимча чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди. Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида ишлаб чиқариш кооперацияси тўғрисидаги ҳужжат бу эзгу ниятларни амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Учрашувда уч давлатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти заҳира кучлари таркибига кирувчи тинчликни қўллаб-қувватловчи батальонини тузиш ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги машқларга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди ва бу тўғридаги ҳужжат қабул қилинди.

Марказий Осиё халқлари азал-азалдан бир дарёдан сув ичади. Сув ва энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ҳақидаги ҳужжат айнан ана шу ҳақиқатнинг яна бир карра тасдиғидир, десак хато бўлмас.

Марказий Осиёдаги уч давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўзи танлаган тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу жараённинг ўзига хос ва умумий жиҳатлари ҳам талайгина. Шуни ҳисобга олиб, муайян мамлакатда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлардан бу улкан ҳудудда истиқомат қилувчи халқларни огоҳ этиб туриш, қолаверса, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Президентлар «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журналини ташкил этишга қарор қилдилар.

Музокаралар сўнггида уч давлат раҳбарларининг матбуот конференцияси ўтказилди. Президентлар мазкур учрашув кун тартибига киритилган барча масалалар бўйича мавжуд муаммолар ҳал этилганини, бу борада экспертлар сидқидилдан меҳнат қилганини таъкидладилар. Ўзаро иқтисодий интеграция, ишлаб чиқариш кооперацияси жараёни изчил давом этишига ва йилдан-йилга чуқурлашиб боришига ишонч билдирилди.

Матбуот конференциясида Президент Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, жумладан, шундай деди:

— Ҳар қандай иттифоқ ёки ҳамдўстликларга қўшилиш ҳар бир давлатнинг ўз ихтиёри. Қозоғистон ва Қирғизистон тўрт давлат ўртасидаги ҳамдўстликка қўшилган экан, уларнинг бу қарорини ҳурмат қиламиз. Биз эса бу битимларга қўшила олмаслигимизни очиқ-ойдин баён этдик. Лекин, ҳеч нарса, жумладан, кимнинг қандай иттифоққа қўшилгани ёки қўшилмагани ҳам, халқларимизнинг азалий бирлигига, Марказий Осиёда, аниқроқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон иқтисодиётларини яқинлаштириш жараёнига раҳна сололмайди. Биз азалий қардошлик, ҳамжиҳатлик, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлидан бораверамиз. Бу эзгу ниятимизни бугунги учрашувимиз ва унда қабул қилинган ҳужжатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

...Учрашув сўнггида «Иссиқкўл» сайёҳлик мажмуи ёнидаги «Манас маскани» хиёбонида Президентлар дўстлик ва ҳамкорлик рамзи сифатида арча дарахтлари ўтқаздилар. Арча — боқийлик рамзи. Марказий Осиё халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик дарахти гуллаб-яшнайверади, дейишга теран асос бор.

Президент Ислом Каримовнинг Бишкек сафарида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Р. Аҳмедов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент—Бишкек—Тошкент.

СУРАТДА: учрашув пайти.
С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарларининг 1996 йил 6 майда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида қардош мамлакатлар уч томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Томонлар бир-бирларига ўз мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият тўғрисида маълумот бердилар, Марказий Осиё минтақасидаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида фикр алмашдилар, халқаро ҳаётнинг ўзларини қизиқтираётган бошқа масалаларини муҳокама қилдилар.

Президентлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ва Мудофаа вазирлари кенгаши томонидан ишлаб чиқилган БМТ ҳомийлигида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг тинчлик ўрнатиш батальонини тузиш ҳамда мазкур «Марказий Осиё батальони» муассислари бўлган уч давлатнинг БМТ заҳира кучлари тўғрисидаги битимларга қўшилиши юзасидан бундан кейинги чора-тадбирлар режасини маъқулладилар.

Интеграция жараёнларининг боришига, 2000 йилга қадар иқтисодий интеграция дастурига киритилган қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор берилди. Президентлар савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли равишда кучайганини, дастурда кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш муваффақиятли бошланганини мамнуният билан қайд этдилар. Шу билан бир вақтда Бош вазирлар Кенгаши, Давлатлараро кенгашнинг ижроия қўмитаси интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, Марказий Осиёдаги уч давлат иқтисодиётини бир-бирига босқичма-босқич яқинлаштириш, ишлаб чиқариш кооперацияси, узаро фойдали меҳнат тақсимоти имкониятларидан самарали фойдаланиш юзасидан қўшимча чоралар кўриши зарур, деб топилди.

Томонлар Марказий Осиё минтақаси сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар, сувдан фойдаланишнинг янги стратегиясини ва бу соҳада бошқаришнинг иқтисодий дастакларини ишлаб чиқишни тезлаштиришнинг муҳимлигини таъкидладилар.

«Марказий Осиё: интеграция муаммолари» ойлик журнали таъсис этилди. Журнал уни таъсис этган мамлакатлардаги воқеаларни, ислоҳотлар ва янгиланишларнинг боришини холисона ёритиши, қардош мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва узаро фойдали ҳамкорлик муносабатларини сақлаб қолиш ва янада ривожлантиришга кўмаклашиши лозим.

Давлат бошлиқлари Марказий Осиёдаги бу давлатларда сиёсий барқарорликни сақлаш, иқтисодий ислоҳотларни ва демократик узгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, бу давлатларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига риоя этиш асосида биргаликда амалий ҳаракат қилиши минтақадаги вазиятга ижобий таъсир қилади, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса бўлиб қўшилади деган яқдил фикрни билдирдилар.

Учрашув анъанавий дўстлик, муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу,

Муҳтарам Президентимиз Ислом ака Абдуғани ўғиллари!

Сизни ва Сиз орқали давлатимиз ва ҳукуматимиз раҳбарларини ҳамда жонажон диёримиз — Ўзбекистон халқини улуғ айём — Қурбон ҳайити билан самимий муборакбод этамиз.

Аллоҳ таолога беадад ҳамду сано ва шукрлар бўлсинки, ҳур диёримиздан муборак ҳаж сафарига ташриф буюрган уч ярим мингдан зиёд ҳожиларимиз ҳозирда ихлос эътиқод билан ҳаж ва умра амалларини адо этмоқдалар. Маккаи мукаррамада бутун дунё мусулмонларининг қибласи саналмиш — байтуллоҳни тавоф ва зиёрат қилиш билан бирга Сафо, Марва, Мино, Арафот, Муздалифа каби улуғ даргоҳларда, шунингдек, Мадинаи мунавварада масжиди Набавий, Равзаи шарифдек табаррук жойларда бўлган чоғларимизда Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратини тилаб, мустақил мамлакатимиз равнақи, ҳар томонлама тараққиёти, халқимизнинг моддий ва маънавий жиҳатдан баркамол этишини дуою илтижолар ила яратганнинг ўзидан сўрамоқдамиз.

Бу йилги муборак ҳаж сафари ўзига хос хусусиятлари билан диёримиз мусулмонлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Бу улуғ ибодатни чин ихлос ва муҳаббат билан бажараётган ҳожиларимизга давлатимиз томонидан кўрсатилган ҳар томонлама холисона ёрдам уларнинг хотираларида ўчмас из қолдиражак, албатта.

Тақдим этилган имконият ва имтиёзлар учун барча мутасадди ташкилот ва раҳбарларга, шахсан Сиз, жаноби олийларига чексиз миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Мустақил юртимиз ва эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги йўлида Сизга ва сафдошларингизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда зафар ва омадлар тилаймиз.

Илоҳо бутун оламда тинчлик, осойишталик ҳукм суриб, барчаларимизга икки дунё саодатини насибу рузи айласин, омин!

Ўзбекистон хожилари.
1996 йил, 27 апрель,
Маккаи Мукаррама, Арафот.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, ФРОНТОРТИ МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА!

Қадрли уруш ва фронторти меҳнат фахрийлари!

Мустақил мамлакатимиз фуқаролари!

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган, оламшумул аҳамиятга молик, тарихий Ғалабанинг 51 йиллиги билан ҳаммаларингизни, чин қалбдан, самимий табриклаймиз!

Қаҳрамонона кураш, кўплаб қурбонлар эвазига қўлга киритилган ушбу улкан зафарда ўзбек эли асл фарзандларининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигидан фахрланамиз ва қирғинбарот уруш жанггоҳларида жонбозлик кўрсатган ватандошларимиз, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, Ғалабани яқинлаштирган юртдошларимизга юксак ҳурмат-эҳтиромимизни билдирамиз.

Миллий мустақиллигимизни асраб қолиш ва мустаҳкамлаш, Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусан, ёш авлодни она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, унинг саодатли келажагига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш ишига бебаҳо улуш қўшаётган мўътабар фахрийларимизнинг беминнат меҳнати чинакам таҳсинга лойиқ.

Азиз фахрийларимиз! Биродарлар!

Истиқлолимизнинг бешинчи баҳори кунларида сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда оилавий фаровонлик, бунёдкорлик ишларингизда омад, юртимизда осойишталик ва барқарорлик, Ер юзида мустаҳкам тинчлик бўлишини тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ.

ТЕННИС – ЖАҲОНИЙ МАДАНИЯТ ТИМСОЛИ

Кеча Тошкентда «Ҳавас» анъанавий теннис мусобақаси бошланди

«Динамо» — теннис саройи йирик спорт кошоналаридан саналади. Байрамона безатилган бу масканда эрта тонгдан ўзига хос йирик айёмдан дарак бериб карнай-сурнайлар чор атрофга жар солди. Теннис ўйингоҳи кичик тўп ошуфталари билан гавжумлашди. Мусобақа иштирокчилари — вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирлар, қўмита раислари ва бирлашмалар раҳбарлари ўртасида қуръа ташланиб, гуруҳларга бўлинган ҳолда ўзларига ажратилган теннис майдончаларига йўл олдилар.

— Бунақанги тадбир теннисимиз тарихида ҳали бўлмаган, — деб ҳикоя қилади «Ҳавас» мусобақасининг бош ҳаками Г. Дашевский. — Спортнинг бундай турига юртимизда алоҳида эътибор қилинаётгани бежиз эмас. Чунки, теннис ривожланган мамлакатларда энг оммалашган спорт турларидан ҳисобланиб, жаҳон халқлари маданиятининг узига хос тимсоли деб эътироф этилади. Ҳаммамизга аёнки, маданият, хусусан спорт ҳам иқтисодий ривожланишнинг ҳосиласи деб ҳисобланади. Умуман олганда, маданият мураккаб тушунча. Инсон боласи саранжом-сариштa юриши, кийиниш одобини ўрнига қўйиши, хушмуомалалик, қолаверса, қувваи ҳофизаси каби сифатларни уйғунлаштириш билан маданиятли киши саналиб қолмайди. Айни пайтда кишилар ўз саломатликлари ҳақида қайғуришлари, жисмоний ва руҳий имкониятларидан расамади билан фойдаланишга ўрганишлари ҳам зарур. Шунинг учун ҳам одамдаги жисмоний тарбия маданиятнинг муҳим омили ҳисобланади.

Юртимиз аҳли келажаги буюк давлат қуриш йўлида собит қадам ташлаб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишга, тенглар ичида тенг бўлиб нуфузини оширишга саъй-ҳаракат қилмоқда. Мухлисларга аёнки, юртбошимиз ташаббуси билан икки йилдан бери ўтказилиб келинаётган «Буюк ипак йўли», «Челенжер» ва «Президент кубоги» баҳслари халқаро майдонда оғизга тушган теннисчи-ю мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Ўзбекистон номи турли мам-

(Давоми 2- бетда).

ТЕННИС–ЖАҲОНИЙ МАДАНИЯТ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лакатларда тилга олинди.

«Ҳавас» турнирининг ўтказилишига ҳам юртбошимиз раҳнамолик қилдилар. Бу мусобақанинг моҳияти чексиз десак муболаға бўлмас. Гапнинг ростига ўтадиган бўлсак, биз ҳар бир савобли ишнинг хосиятини онгли тушунганимиз билан ўзбекчиликка борамиз. Чунки, мартабали лавозимларда ишлаш, раийят билан муомалада бўлиш, давлат ишларини рўёбга чиқариш, мустақилликни мустаҳкамлаш-у барқарорликни таъминлаш учун ўзимизнинг имкониятларимизни борича тасарруф этишга уринамиз. Айни пайтда соғлиғимизни унутиб, хонакилашиб, кам ҳаракат бўлиб бораётганимизни билмай қоламиз. Шифокорлар маслаҳатидан кейин эса кўчага чиқиб югуриш, велосипед миниш каби ҳаракатларни ўзимизга эп билмаймиз. Қарабсизки жисмоний имкониятларимизга билиб-билмасдан «чап» бериб қўямиз.

Зеро, шуни ҳам таъкидлаш жоизки «Ҳавас» мусобақасига таклиф қилинган ҳар бир раҳбар ҳам ўзича бемалол келиб майдонга тушишига рухсат этилмайди. Сабаб аввало мусобақа иштирокчиси тиббий кўрикдан ўтиши, анчайин мураккаб ҳаракатларга дош беришга қодир эканлиги маълум бўлгач руҳсатга олинади. Умуман, теннисчинг фойдали томони шундаки, аввало ҳар ким файзли, хиёбонлар билан ўралган, қизғиш майдонда ўзини эркин ҳис қилиши муқаррар. Бирмунча машқлардан кейин теннисга хос чаққонлик, абжирлик каби ҳаракатлар таъсирида кайфиятимиз чоғланиб, тетиклашиб бораётганимизни ҳис этамиз. Муҳими, республика раҳбар ходимлари ўртасида «Ҳавас» мусобақасини ташкил этилганини таҳсинга лойиқ дейиш мумкин.

«Ҳавас» теннисимизни ривожлантиришга, оммавийлигини таъминлашга йўл очади. Боиси, спортчилар таъбири билан айтганда, раҳбарларимиз «ўйновчи тренер»га айланиб, бошқаларда кичик тўпга ҳавас уйғотиш борасида шахсан ибрат кўрсатадилар. Илгари эса бунинг акси бўларди. Раҳбар лавозимидаги кишилар бундай хайрли ишларни ташкил этиш ва ўтказишда жонбозлик кўрсатиб, унинг муваффақиятини кутиб турар, бошқача қилиб айтганда кузатувчига айланардилар. «Ҳавас»ни ўтказишдан мақсад эса бошқача. Энди теннисга ҳавас қўйган, бундай спорт тури билан ошнолашишни орзу қилган ҳар қандай киши айни пайтда бевосита раҳбари ҳам теннис ошуфтаси эканини сезиб туради. Бу эса теннисга ҳавас қўйганлар сафини янада кенгайтиришга йўл очади...

Мусобақа бош ҳакамининг фикрларига қараганда, «Ҳавас» ихлосмандлари тобора кўпайиб бормоқда. Бу мусобақа мамлакатимизда кўпчиликка маъқул келадиган баҳсларга айланади. Биз буни мусобақанинг биринчи куниёқ ҳис этдик. Айтайлик, Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Исломов «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси раиси Ю. Пайгин билан майдонга тушиб, водийда бекорга «Челенжер» халқаро мусобақаси ўтказилмаганини амалда намойиш этди. У 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Қарши шаҳар ҳокими Шуҳрат Бегматов ҳам бўш келмади. У «Ўзнефтгазқазиш» бош директори Анвар Норматовни мағлубиятга учратди.

Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиев эса Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Эркин Абзаловга имкониятни бой бериб қўйди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев ҳам теннис ўйнаш ҳадисини олганини намоён этди. У аввал Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиев, кейин Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Пардаевни бир хил 2:0 ҳисобида енгди. Бўлмасам, А. Пардаев Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиевни шу ҳисобда енгган эди. Қашқадарё вилояти ҳокими Озод Пармонов эса Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Э. Маматқулов билан Когон шаҳар ҳокими Ж. Ҳакимовни мағлуб этди.

Бугун мусобақалар қизғин паллага киради. Саралаш баҳслари якунланиб, кучлилар аниқланади. Мусобақалар эса эрта тонгдан кеч оқшомгача давом этмоқда. Албатта, мусобақа иштирокчилари ўртасида эндигина кичик тўпни қўлга олган ҳамда 3-5 йиллик тажрибага эга бўлганлар бор. Эртага эса «Юнусобод» теннис кошонасида ғолибликка даъвогарлар ўртасида ҳал қилувчи учрашувлар ўтказилади. Ўйлаймизки, бу ерга ташриф буюрган мухлислар қизғин ва муросасиз баҳсларнинг гувоҳи бўладилар. Ғолибларга аталган мукофотларни тантанали топшириш маросимларини томоша қиладилар. Бир сўз билан айтганда, «Ҳавас» теннисни янада оммавийлаштириш, мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйиш йўлида дастлабки қадам ташлашга имконият беради.

Ҳайдар НОСИРОВ,
Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.







СУРАТЛАРДА: «Ҳавас» теннис мусобақасидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН олган суратлар.

Ўзбекистон банк тизими

Тошкентда яна бир банк — ихтисослаштирилган «Замин» давлат-акционерлик ипотека банки иш бошлади. Мухбирларимиз ушбу янги банкнинг иш фаолияти ва имкониятлари ҳақида гапириб беришни сўраб мазкур банк бошқаруви раисининг биринчи муовини А. ОҚИЛОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилишди.



«ЗАМИН»

МИЖОЗЛАР

МАНФААТИНИ

ҚЎЛАЙЛАЙДИ

— Абдуғофир ака, аввало «Замин» банкининг ташкил этилишидан кўзланган мақсад ва унинг йўналиши хусусида гапириб берсангиз.

— Ихтисослаштирилган «Замин» давлат-акционерлик ипотека банки Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 сентябрдаги қарорига биноан республиканинг ер фондидан оқилона фойдаланиш, банк хизмат турларини кенгайтириш ва келгусида ер билан боғлиқ гаров муносабатлари инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Очиғи, республикамизда ҳам ипотека банкининг очилиши бу иқтисодиёт ва давр талабидир. Банк асосан ер эгалари, фермерлар, ишлаб-чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари мулкдорларига янги технологияларни сотиб олиш ва амалга татбиқ этиш, қайта тиклаш, янги ер майдонларини ўзлаштиришларида молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида барпо этилди.

Ипотека гаров, яъни ер, қурилиш ва бошқа кўчмас мулк иншоотларини гаровга олиб узоқ муддатли кредит беришдир.

Ер майдонлари ва бошқа мулк манбаларини гаров сифатида ушлаб маблағ ажратиш, ер эгаларига банк хизмати кўрсатиш, ипотека облигацияларини чиқариш ва ипотека кредити соҳасида тараққий топган жаҳон тажрибаларини амалда қўллаш банкнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади.

— Банкнинг оёққа туриб олиши учун давлат томонидан енгилик ва қулайликлар берилганми?

— Муассисларимиз томонидан бизга берилган 20 миллион сўм маблағнинг ўзи ишни кўнгилдагидек бошлаш учун етарли. Қолаверса, дастлабки 5 йил мобайнида, умрбод эгалик қилишга мерос қилиб қолдирилган ерларнинг кимошди савдоларидан тушадиган тушумнинг 74,5 фоизи, банк фаолиятидан давлат ҳисобига тушиши керак бўлган дивидендлар банк Устав фондига тушади. Бундан ташқари давлат кафолатида чиқариладиган ипотека облигацияларидан тушадиган маблағлар ҳам банк сармоясини ошишини таъминлайди. Фаолиятимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлардан яна бир энг муҳим жиҳати шуки, банк 5 йилга даромад солиғи тўлашдан озод қилинган. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши банк сармоясини тезлик билан ўсишига имкон яратади. Республика Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банки ва вилоят ҳокимликлари банкимизни малакали мутахассислар ва банк учун мос келадиган бинолар билан таъминланишида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

— Гаровга ердан ташқари кўчмас мулкнинг қанақа турлари қўйилиши мумкин?

— Гаров тўғрисидаги Қонунда белгиланган барча мулкларни гаровга олишимиз мумкин. Шунингдек:

— Корхона мулки бўлган бино, иншоот ва бошқа қурилишлар;

— хусусий эгаликда бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари;

— хорижлик жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган турар жойлар;

— умрбод эгалик қилишга мерос қолдирилган, кимошди савдосида сотиб олинган, хусусий ёрдамчи хўжалик юритиш ёки шахсий турар жой қурилиши учун сотиб олинган ер майдонлари ва улардан умрбод фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

— Ипотека кредити бошқа кредитлардан қай томони билан фарқ қилади?

— Биринчидан, бу турдаги кредитлар узоқ, 10-20 йил муддатга берилади. Иккинчи муҳим жиҳати шуки, гаровга қўйилган кўчмас мулк фойдаланиш учун унинг ўзида қолдирилади, бир вақтнинг ўзида заём олувчига олинган кредитни сўндириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг кимошди савдосида талаб ва таклифга асосан белгиланишини ҳисобга олган ҳолда, гаровга қўйилган мулк баҳосининг 65-75 фоизи миқдорида кредит берилади. Мижоз томонидан олинган мажбурият муддатида қайтарилмаса, гаровга қўйилган кўчмас мулк банк томонидан қонунда белгиланган тартибда кимошди савдосига қўйиб сотилади ва тушган маблағ ҳисобидан банк кредити қопланади.

— Ипотека кредитини олишни истовчилар ҳаққи мурожаат қилишлари керак?

— Марҳамат, кўчмас мулк ва ундан умрбод фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган, кредитга муҳтож фуқаролар бизнинг банкимизга мурожаат қилишлари мумкин. Банк мижозининг кредитни сўндириш имкониятларини ўрганиб чиқиб, гаровга қўйиладиган мулкни баҳолаб, лойиҳани амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатади.

— «Замин» банки хизматларидан республикамиз вилоятларидаги ҳар бир туман фуқароси фойдалана оладими?

— Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда банк филиаллари, жорий йилнинг якунигача эса барча вилоятлардаги туманларда бўлимларимизни очишни режалаштирганмиз. Ҳозирда Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги филиалларимиз республика Марказий банкида рўйхатдан ўтказилди ва мижозларга банк хизматларини кўрсатишни бошлаб юборди.

— Ипотека банки фаолиятида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларига ҳам таянаяпсизларми?

— Банкимизни ташкил этиш жараёнида биз уларнинг тажрибаларидан фойдаландик, бундан буён ҳам хорижлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда иш олиб бориш ниятимиз бор.

— Куни кеча матбуотда мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонга мутахассис сифатидаги муносабатингизни билмоқчи эдик.

— Юртбошимизнинг мамлакат банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони — республика банк тизими ҳаётдаги муҳим тарихий воқеадир. Бундай академияни ташкил этишдан мақсад, Фармонда таъкидланганидек, халқаро талабларга жавоб берадиган молия-кредит тизимининг юқори малакали кадрларини тайёрлаш, шунингдек, молия бозорларини ривожлантириш соҳасидаги фундаментал илмий ва амалий тадқиқотларни ташкил этишдан иборатдир. Очиғини айтганда, республика молия-банк тизими ходимлари ушбу Фармонни зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Чунки, бундай академиянинг тузилиши Ўзбекистонда юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга ва мамлакат банк тизимининг ривожланишига хизмат қилади.

А. БОЛИЕВ,
Н. ШОНИЁЗОВлар
суҳбатлашди.

Биз шундай халқмиз

РОБИЯ

Турткўлнинг Шурахон қишлоғида Робия момо десангиз билишмаса-да, лекин «Робия боғбон» ёки «одим момо»ни сурасангиз танишади. Мен ҳам у киши ҳақида кўп яхши гапларни эшитиб, излаб бордим. Энди ҳовлисидан қўлларида бир коса помидор уруғи билан чиқиб кетаётган экан. Салом-аликдан сўнг у киши сўзлай кетди:

— Қўшнимизнинг парники бор. Қўмакка чақирибди. Турткўлнинг, Нукуснинг бозорларини эртанги помидору бодринг билан тўлдиралиган шурахонликларда, айланай, — дедилар момо.

Пешингача уй юмушларини саранжомлаб (келинлари ва ўғли шаҳардаги билим юртида ўқитувчи, эрта кетиб, кеч қайтар экан), қўшниникига ёрдамга чиқишга отланиб турган, олдимга тушиб ёшлардек чаққон ҳаракатлар билан айвонга бошлаган чуваккина гавдали момога ҳечам етмиш ёш бера олмадим.

— Ёшликдан меҳнатга ўрганганимданми, ҳечам тинч ўтира олмайман, — гап бошлади Робия эна. — Умр бўйи колхознинг боғида ишладим. Нафақага чиққандан кейин мевали дарахт кўчатлари етиштириб, бозорга чиқариб сота бошладим. Уч-турт йил бўлди, бозорга чиқишимга ҳожат қолмади. Қўшни туманлардан ҳам харидорларнинг ўзлари дараклаб келиб, олиб кетишяпти. Бир йили денг, айни бозорга кўчат чиқаралиган пайт қайнотам вафот этдилар. Айланай болам, қирқигача азада ўтирмасам бўлмас, деб ўглим Фарҳоджонни бозорга чиқардим. Кечқурун кўчатларни қайтариб олиб келиб турибди денг. Кўчат бозорига келганлар боғбон момони сураб, ҳеч кимдан кўчат харид қилмай қайтиб кетишибди.

— Томорқадан ҳам кун кўрса бўларкан-да...

— Нега бўлмас экан, бўлади. Ерни боқсанг, ер сени боқади. Эй не-не қийинчиликлар кўрмадик.

Момо ўзаро ер, мол талашиб, ёқа бўғишган ака-укалар, арзимас матоҳ устида юз кўрмас бўлиб кетган ота-болалар ҳақида эшитса, ярим буханка нонни бир-бирига илинган онаси билан холаси, уйда қолган бугдойнинг ярмини қўшниларникига чиқаришгани кўз ўнгига келаверади.

— Дастурхонимизда бурсилдоқ оқ нонлар, хоҳлаган кийимимизни киямиз. Лекин меҳр-оқибат кўтарилиб кетяпти одамлар орасида. Негадир ҳамма енгил иш қилирадиган бўлган. Меҳнатни миннат билан қилишади. Астойдил тер тукаётган одамлар кўпайса дейман.

Ўтган йил кузакнинг охирларида уйида тўй бўлаётган қўшнисининг уч-тўрт эгат сабзисини кавлаб бераётган Робия момони кўриб, нон ёпаётган аёллар пичир-пичир қилишди: «Нима қилар экан бу кампир ўзини ўтга-чўққа уриб. Совуқда қолса қолар-да, икки қоп сабзи. Нима етишмайди бу кампирга?».

Момонинг оёқ-қўли чаққон бўлгани каби қулоғи ҳам ўткир. Бу икки-уч оқбилакнинг гапини эшитмай қолармиди?! Лекин ҳеч нима демади. Қандай тушунтирсин, уларга меҳр-оқибатни бир қоп сабзи билан ҳам, бир қоп тилло билан ҳам ўлчаб бўлмаслигини?!

— Ҳеч ёлғон гапирганмисиз, момо? — деб сурайман жиддийлик билан эмас, сал ҳазил оҳангда.

— Жа, гап олармон экансан, қизим. Майли айтаверай. Ёлғон гапирганман. Бозорда харидорлар бошқадан кўчат олса ҳам менга кўрсатишади, билиб беринг, деб. Пайвандими, ёки... Кўчатнинг қандайлигини бир қарашда биламан-да. Бир сафар бир йигит шундоқ ёнимда ўтириб, кўчат сотаётган ўрта яшар эр-хотиндан олма кўчатларини олди-ю, қўлимга тутди. Қарасам, кўчат ёввойи. Кўчатларини мақтаб-мақтаб сотаётган кишига қарадим. Бир мулзам бўлиб турибди. Илтижоли боқади. Унинг ҳам болалари бордир, кўчатларини сотиб, бозорлик қилмоқчидир, деб ўйладим. «Ҳа, олаверинг. Пайванди кўчатлар, панд емайсиз», дедим. Уша йигит кўчатлар бир йилдан кейин гулга кириб, ҳосил туккач, майда олмаларни кўриб, кўчат сотганга қўшиб мени ҳам қойиган бўлса ажаб эмас. Бу воқеадан кейин узоқроқ ўтирадиган ўша «боғбон»дан

МОМОНИНГ

БОҒИ

... Яқинда бир гап эшитдим. Робия момо Шурахон деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Азимбой Абдукаримов қабулига борибди. Қабулхонада уни кўрганлар ҳайрон бўлишибди. Чунки бундай вақтда момо ўзининг боғидан, кўчатзоридан чиқмай, дарахтлар атрофида парвона бўлиб юрарканда.

— Томорқамда етиштираётган кўчатлар ҳеч нарса бўлмай қолди, — дебди у раисга. — Кўчат сураб келганларга йўқ, дейишга уяламан. Менга ер бергин, раис ўглим. Кўчат етиштириб бераман. Хўжаликнинг ўзи сотиб, даромад олсин. Худога шукр, тўрт неварам ҳам қанотимга қириб қолди.

Раис ҳам хурсанд бўлиб кетибди. Бу гап ўзининг ҳам кўнглида бор экану, кекса момони ташвишга қўймасмиканман, деб истиҳола қилиб юрган экан.

Худо хоҳласа, келгуси йил Робия момо Матёқубова ўзи бошида туриб, боғидаги энг сархил мевалардан пайванд қилади. Ана ундан кейин бу кўчатларни сотиб олган кишининг боғи ажойиб бир боғ бўлади.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО ТРИБУНАЛГА ТОПШИРИЛМАЙДИ

Босниядаги Серб Республикаси Бош вазири Райко Касагич Босния серблари раҳбарлари ўз ватандошларини Гаагадаги халқаро трибуналга топширмаслигини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Босния серблари раҳбарлари Гаагадаги халқаро трибунал билан ҳамкорлик қилишдан воз кечолмайди. Бироқ ўз ватанидан ташқарида ҳарбий жиноят қилганликда айбланаётган ватандошларини Гаагадаги халқаро трибуналга топшириш мамлакат Конституциясига мутлақо мос эмаслигини ҳам Бош вазир таъкидлади.

ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ ЭТДИ

Фаластиндаги «Ҳамас» жангари гуруҳларининг диний раҳбари Шайх Аҳмад Ассин Фаластин ва Исроилни тинчликка даъват этди. У жума куни Исроил телевидениеси орқали ўтказилган интервьюда шу ҳақда гапирди.

ПАРИЖДАГИ БАНККА ЎТ ТУШДИ

Франция пойтахти Париж шаҳридаги «Кредит Лионнаис банки»га ўт тушди. Ушбу банк XIX аср француз меъморчилигининг ёрқин намуналаридан бири бўлиб, мамлакатдаги энг муҳташам банклардан ҳисобланарди.

ИШ ҲАҚИ ОШИРИЛИШИДАН ХУРСАНД

Америка Қўшма Штатлари фуқаролари энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилишини қўллаб-қувватламоқдалар. «Ассошиэйтед Пресс» ахборот маҳкамаси томонидан ўтказилган жамоатчилик сўровидан маълум бўлишича, американликларнинг кўпчилиги энг кам иш ҳақининг оширилиши ўз ишларига лоқайдлик билан ёндашадиган ходимларнинг бўшатилишига ҳам сабаб бўлади, деб ишонишмоқда.

ҲАРБИЙЛАРГА ТАҲДИД ҚИЛДИ

Нигерия жума куни Камерун ҳарбийларига нисбатан таҳдид қилди. Маълумки, Камерун ҳарбийлари Гвинея қўлтиғидаги Бакасси ярим оролида Нигерия қўшинларига қарата бир неча марта вертолётлар ва ҳарбий қайиқлардан ўқ отганлар. Умуман, Бакасси ярим оролидаги можаролар туфайли ўтган ҳафтада Нигериянинг битта ҳарбий солдати ва икки нафар фуқароси яраланган эди.

ЕТАКЧИ ПАРТИЯ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Англиядаги етакчи консерватив партия маҳаллий ҳокимиятга ўтказилган сайловларда мағлубиятга учради. Бу Буюк Британияда сўнгги вақтда чорва ҳайвонларининг қутуриш хасталиги билан касалланганлигининг оқибатида содир бўлди, дейилади Москва телевидениесининг янгиликларида. Бунинг оқибатида ҳозирги Бош вазир Жон Мейжор етакчилик қилаётган консерватив партия шу тариқа мағлубиятга учради.

ДУНЁГА ХАВФ СОЛМОҚДА

Нигериянинг гиёҳванд моддалари билан олди-сотди қилувчи тижоратчилари бутун дунёга хавф солишмоқда.

Ўзининг ҳарбий ҳукумати ёрдамига эга бўлган нигериялик гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчи савдогарлар минглаб килограмм наркотик моддалар ортилган ҳаракат воситалари билан бутун дунёга ғайриоддий ва тобора ўсиб борувчи хавф солмоқда, деб таъкидлади ўтган жума куни Вашингтонда бўлиб ўтган матбуот конференциясида АҚШ давлат котиби ёрдамчиси.

ЯНГИ БОШ ВАЗИР

Испанияда консерватив кучлар раҳбари Жоус Мария Азнар якшанба куни мамлакат Бош вазирлиги лавозимини қабул қилиб олди. У ҳукумат таркибини қисқартириб, 14 вазирнинг давлат қўмитаси қошидаги ислоҳот ва талабларни амалга оширувчи кабинети деб номлади.

ҚАБРИСТОН МУТАСАДДИЛАРИ ЖАРИМА ТЎЛАМОҚДА

АҚШдаги Нью-Жерси қабристони мутасаддилари мурдаларни йўл четидаги йўлкалар тагига кўмгани учун жарима тўлашга мажбур бўлишди. Бу жарима миқдори 60 минг АҚШ долларини ташкил этди.

НОМАЪЛУМ КАСАЛЛИК ТАЪСИРИ

Меланома касаллиги ҳақида кўпчилик бехабар эканлигини кузатувлар кўрсатмоқда. Меланома, яъни тери ракининг сўнгги шакли бўлиб, ушбу хавфли касаллик тўғрисидаги маълумотлар ҳанузгача кўпчилик учун қоронғу бўлиб қолмоқда. Тиббиётчиларнинг кузатувлари шуни кўрсатдики, айрим кишиларнинг ёшлик чоғида қуёш тафтида кўп муддат тобланиши бу касалликни авж олишида катта роль ўйнаркан.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг Ўзбекистонга зиёрати икки буюк мамлакат ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқаларининг янада ривожланиши йўлида улкан бир қадам бўлади, деган тилагимизни билдиришдан бахтиёрмиз.

DM
FIRMA
DEMIR

ТУРКИЯНИНГ ЗАМОНДОШ ШЕЪРИЯТИ

Туркиядан қувончли хуш хабар келди: Туркия жумҳурияти Маданият вазирлиги нашриёти томонидан «Турк дунёси адабиёти» туркумида «Бугунги ўзбек шоирлари антологияси» кўп нусхада чоп этилибди. Унга ҳозирги ўзбек шеърияти вакилларидан 21 нафар шоиримизнинг шеърлари киритилган.

Маълумки, минг йиллар аввал ота-боболаримиз ҳаёти, маданияти, шеърияти битта эди: Аҳмад Яссавий, Юнус Эмра шеърлари бунинг намунасидир. Яссавийдан бошлаб дунё турк шеърининг олтин даврини бошлаб берган Алишер Навоийгача бўлган шоирлар Туронда ҳам, бугунги Туркиянинг ўтмишдаги давлатлари салжуқлар ва усмонлилар салтанатларида ҳам кенг ёйилганда, устоз саналган эди. Аммо кейинги беш юз йил ичида адабий алоқалар унча мустаҳкам бўлди деб айтолмаймиз. Охирги йилларда, туркиялик шеърхонлар ўзбек шеъриятидан хабарсиз бўлгани каби, биз ҳам туркиялик шоирларни яхши билмаймиз. Бу маданий бўшлиқ тўлдириб борилмоқда, албатта. Чунки ўзини, ўзлигини таниш қондошини, қардошини танишдан бошланади. Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл бошлиқ расмий давлат делегациясининг юртимизга келиши муносабати билан Туркиянинг бугунги шеъри ҳам ўларимизга, ўйларимизга кириб келсин, деган ниятда айрим шоирларнинг шеърларини ўзбекчалаштирдик.

Маҳмат Илёс СУВБОШИ 1942 йилда Шарқишлада туғилган. Олий Ислом институтини битириб, кўп йиллар ўқитувчилик қилган. «Вуслат қўшиғи» (1968), «Ойдинликнинг кўзлари» (1979), «Бу юрак ўлкасида» (1981) каби ўнлаб шеърий тўпламлари бор: бир неча мукофотлар билан тақдирланган. Нузхат АРМОН эса 1926 йилда Истанбулда туғилган. Сиёсий билимлар мактабини, Анқара университети ҳуқуқчилик бўлимини битирган. Олий ўқув юртларида ўқитувчилик қилган. «Яшил» (1954), «Менинг жоним афандим» (1959), «Анатўлў» (1970), «Ҳам ҳуррият, ҳам нон» (1974) каби бир қанча шеър китоблари бор. Маҳмат АҚИФ ИНОН 1940 йилда Урфада туғилган, олий таҳсил олган адабиётчи. Ҳозирда Ўқитувчилар Бирлиги жамияти бошлиғи. «Ҳижрат» (1974), «Танҳо сўзлар» (1991) каби шеър китоблари ва бир неча илмий тўпламлар муаллифи. Шукру ҚАРАЧА эса 1956 йилда Тўқотда туғилган. Анқара университети ҳуқуқчилик бўлимини битирган. «Дунёни тўлдирган гилос» романи учун 1991 йилда Туркия Ёзарлар Бирлигининг мукофотини олган таниқли шоир.

Маҳмат Акиф ИНОН

ШАҲИД

Масжид ҳовлисида сен ўлдирилдинг
Ичингда сажда-ла бўғилтирилдинг

Чўзиниб ётақол юрагим гўринг
Шаҳидлар онаси шу тупроқ еринг

Юзинг шундай оққи виждонинг каби
Хаёлинг номусинг иймонинг каби

Қонинг нур булоғи қуёшдан келур
Замон кирларини у юва билур

Узанмиш бир қўлдир юлдузлар энди
Тангри паноҳига элтгайлар сени

Бир томчи қонингнинг денгизларида
Эрир зулм занжири бу яқин жуда

Шаҳидлар ўрдуси сафидасан сен
Саваш майдонига тушарсан бир кун.

Шукру ҚАРАЧА

ЁШ ЎЛИБ КЕТГАНЛАРГА

Эрўл Кунқўр хотирасига
Уларга ўт тушди,
Ёна-ёна ёнгинни тарк этишди,
Ёниб — тугашди.

Бир қуш бўлиб учишди қўкка,
Борлиқлари қўкка туташди.
Бу йил қўкка тўр ташлади Азроил,
Ўликлар ерга тушмади.

Эй, суюкли, меҳрибон она,
Унут борин, хотирани от:
Йитмиш тонглар ортидан кетган отлар
Бари қайтиб келди отлиқсиз.

Ёлғиз қолдинг энди сен, чўпон,
Бўри есин қўшиқларингни!
Эгаллади бўрилар бу он
Тарози ва Ҳулкар уфқларини.

Бир узоқ қабрда шафақ ер қазир,
Синиб-синиб йиғлар мангутошлар.
Билмайман. Мен, эй нозли сарвим,
Мен билмайман, эй қари чинор,
Қачон тугар экан бу фасл.
Ҳамон оқар сувлар оқмоқда.
Қизлар кезар, қўллар ҳинали.
Қайлардадир унутилган алланелар бор.

Ичимдаги далиларнинг
Эшикларини очдим,
Кўзларида жаҳаннам учқунлари

Маҳмат Илёс СУВБОШИ

БИР ЁНИҚ ҚУШИҚМАН

Тўла қадаҳ эдим Орол қўлида,
Энди биллур синди. Овозим тинди.
Олтойдан таралган ёниқ қўшиқман,
Орқамдир, ортимдан минг Хазар келур.

Қашқару Бухоро қайғуси қайғум,
Самарқанд мен каби кимсасиз ва жим.
Ўролга боқурман қайта-қайталаб,
Юраман, ортимдан бир назар келур.

Қўзғолган Боқудир юрагим энди,
Бир достон сўйларки, у тенгсиз, чиндир.
Сайхун Қофқосларнинг кўзёши бўлмас,
Ортимдан минг тарих, минг мозор келур.

Туйғум қанотларин ёзар-да учар,
Қуёшсиз Олма-Ота тонгини қучар.
Синдириб ташлайман бор кишанларни —
Ортимдан минг-минг Хон, минг Қайсар келур!..

Нузхат АРМОН

СЎНГ

Инсонлар чечакларга боқмоқни унутдими,
Бутун боғчалар қуримишдир.
Инсонлар денгизга боқмоқни унутдими,
Қуруқликда умидлар бўғилмишдир.
Инсонлар қўкларга боқмоқни унутдими,
Бутун ер юзинда яшанмас бўлмишдир.
Чечакларга денгизга кўкларга,
Боқмоқни инсонлар унутдими.
Бошқа ёққа буриб юбор дунё қуйруғин.
Чақнаб, чопа чиқиб кетдилар.
Энди ёлғиз қолдинг, эй чўпон,
Бўри есин қўшиқларингни!

Т. ҚАҲҲОР таржималари.

Туташ томирлар

«БИР ЎЛКАКИ, ТУПРОҒИДА ОЛТИН ГУЛЛАЙДИ...»

XX аср Туркистон ўтмишидаги фожеали юз йиллик эканлиги билан башарият тарихида қолади. Аммо бу асрнинг сўнгги ўн йилликлари асир туркистонликларнинг миллий ўзлигини англаш, ниҳоят, алоҳида давлатлар сифатида ўз мустақилликларини эълон этишлари ва жаҳондаги ҳукуматлар томонидан тан олинишлари каби умидли саҳифалари билан мамнун ёдланажак.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлига кирди. Бунгача халқимиз жуда оғир йўлни босиб ўтди: ўтмишдаги аждодларимизнинг миллий шуурдан, жанговарликдан, жаҳондан узоқлашиб, кучсизланиб, техникаси ривожланган ва тараққийлашган дунё билан ёндаш «қизил империя»га қул бўлиб қолгани — бир гуноҳ эди; бу гуноҳни ювиш учун миллат юз қирқ йил икки дўзах азобини тортди — чор мустамлакаси, совет мустамлакаси ўлароқ катта бир қафас ичида яшади.

Бир юртни босиб олиш, халқини қул қилиш мумкин, аммо инсонлар руҳини, жонини қул қилиб бўлмас. Туркистонда рус истилоси даврида халқ доимо озодлик истади, замонзамонида исёнлар бўлиб турди. Истанбулда чиқадиган «Туркистон» журналида бу мустамлака даврида Туркистонда тўрт ярим мингдан ортиқ озодлик ҳаракати қайд этилган. Мунаввар Қори, Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Боту, Элбек, Рафиқ Мўмин, Усмон Носир каби саноқсиз шаҳидлар бу миллий озодлик курашининг қаҳрамонларидир.

Шу ўринда ўзимизда ҳам бу кунда «мана, энди мустақил бўлдик, энди билсак, аввал қул бўлиб яшаган эканмиз, шунинг учун эски даврдаги ҳамма нарсадан воз кечамиз, етмиш йиллик мустамлака давридаги шоирлар, ижодкорлар фақат тоталитар тузумга хизмат қилган» дея мантиқсиз фикрлайдиган одамлар ҳам мавжудлигини, ҳатто бундайлар «зиёсиз» зиёлиларимиз ичида борлигини таъкидлашни истардим. Адабиёт тарихига бундай бирёқлама муносабатда бўлиш чет эл олимлари қарашида ҳам мавжуд. Жумладан, «1939 йиллардан 60-йилларгача ўзбек адабиётида «сукут даври» бўлди, дейдиганлар борки, бу ҳам баҳсли мулоҳазадир. Келинг, далилга ўтайлик: Ойбек «Навоий» романини, Уйғун ва Иззат Султон халқимиз қирқ йилдан бери тўйу-йиғинларда айтиб юрадиган Навоий ва Гули, Ҳусайн Бойқаро монологлари битилган «Алишер Навоий» драмасини, Ҳамид Олимжон Муқанна ҳақидаги асарларини ҳам шу йилларда ёзган. Бу асарларнинг муаллифлари санъаткор бўлиб шаклланган инсонлар эди. Булар ичида «Мирзо Улуғбек» трагедияси ва «Жалолиддин Мангуберди»ни ёзган Мақсуд Шайхзода, ўзбек тилини, ўзбек миллий мушоҳадасини, Яссавий ётган Туркистон шаҳри манзараларини ўз шеъриятида муҳрлаб қолдирган Миртемир ҳам бор. Худди шу «сукут даврида» ўзбек классик адабиёти намуналари, халқ оғзаки ижоди китобларидаги, Навоий, Бобур, Машраб, Лутфий ёки олимлардан Ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг китоблари чиқишини эътиборга олсак, бу ишлар халқнинг миллий ўзлигини сақлаб туришда маълум хизматни ўтаганини англасак, бу даврни ёппасига қоралашга, «сукут даври адабиёти» деб тамғалаб, у давр адабиёти эшигини ҳақсиз танбалаб ташлашга ҳожат қолмасди.

Мен бу билан у давр адабиётини мутлақо оппоқ демоқчи эмасман, ҳукмрон мафкурага ҳамма замонларда ҳам хизмат қилгувчи «лаббайчи» ижодкорлар бўлган. Аммо уларнинг ичида, шубҳасиз, чин ҳақиқатчи санъаткорлар бўлган. 40-60 йиллардаги Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир ижоди ана шундай асл адабиёт намуналари бўлиб қолажагини таъкидлаб, Туркияда чиққан баъзи китобларда бу даврга берилган «сукут даври» деган иборанинг у қадар тўғри эмаслигини айтишни ва туркиялик китобхонлар тушунчаси бу борада тўлиқроқ бўлишини истардим.



Бу антологияга жамланган шоирларнинг шеърлари асосан 60-90-йилларда яратилгандир. Тўпламдаги шеърларни шоирларнинг санъаткорлик даражасига, сиёсий ва диний қараши, мансабига, унвонларига эмас, балки туғилган йилига, ёшига қараб жойлаштирдик.

Туркияда 1988 йилда чиққан илк «Ўзбек замонавий шоирлари шеъри» (Ирфон Унвер Насриддин ўғли антологияси) китобига шоир ва драматург Ҳамзадан бошлаб бугунги ёш шоирларгача бўлган элликта ижодкор асарларидан намуналар киритилган эди. Бу тўплам биринчи бўлиб туркиялик ўқувчиларга ўзбек шеърияти ҳақидаги қалдирғоч бир туйғуларни етказгани билан қадрлидир. Туркистонда минг йиллар аввал туркча шеърни юксак санъат даражасига кўтарган Аҳмад Яссавий ва бошқа шоирлар йўлини Туркиянинг мумтоз шоири Юнус Эмра янада юксалтирган эди. Қисқаси, Алишер Навоий араб ва форс шеърияти билан дунё тургунча беллаша оладиган мақомда байроқ қилиб кўтарган буюк турк шеърияти анъаналари давом этишини истаймиз. Ваҳсиз, қофиясиз шеър — боши ва оёқлари кесиб, тартибсиз ёйиб ташланган шер (арслон) бўлакларига ўхшаб қолади. Шеър — тирик бир борлиқ, уни жони, жисми, бор гўзаллиги билан ўқувчига етказиш лозим. Шу маънода ушбу антологиядаги шеърларнинг шеър шаклидаги таржима қилинишини орзу қиламиз.

Бу тўпламга жамланган шеърларнинг моҳияти нимада?

Бу саволнинг жавоби умуман кейинги йигирма йиллик шеъриятга бериладиган баҳонинг айни ўзидир. Менимча, кейинги йигирма йил ичида мустақиллик учун шеърият ҳам катта хизмат қилди. Чунки қирқинчи йилларга келиб очиқ миллий ҳаракат, сўз таъқиқлангач, Чўлпон ва Фитратлар овози қўрғошин деворли сиёсат билан босилгач, у миллий руҳ, у миллий овоз мана шу сўнгги йигирма йил ичида аста-аста жонланди, оқимга айланди. Бу оқимни Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Муҳаммад Али, сўнгроқ Хуршид Даврон, Азим Суюн каби бир қатор шоирлар ташкил этди.

Гарчанд бу даврда ҳам ҳукмрон мафкура таъсири бу санаганимиз ижодкорларнинг маълум асарларига таъсир қилган бўлса-да, деярли барчаси бутун мустамлакадаги халқлар қуйлаган каби бўлсаларда, бу билан баробар тарихий, маънавий соф лирик шеърлар билан миллат руҳини нурлантириб турдилар. Бир сўз билан айтганда, аниқ бир миллий консепция, миллий йўл йўқ томон муттасил куч билан интилдилар. Мен Зиё Кўкалпнинг шеърини таржима қиларканман, Ойбекнинг машҳур «Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди» деб бошланадиган шеърини эсладим. Бу руҳий яқинлик аслида миллий шуур яқинлиги белгисидир. Ойбек Чўлпоннинг шогирди сифатида шаклланган ягона шоир бўлса, ундан кейин Чўлпон йўлини эслатадиган оҳангларни Рауф Парфи ва бошқа шоирлар ижодида кўриш мумкин. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси, ғазаллари ўз миллий оҳанглари билан нақадар кучли бўлса, Абдулла Ориповнинг Ватан, тарихий шахслар ҳақидаги, шукуҳли шеърлари халққа шу қадар севимли бўлиб қолди. Шўролар тузумида бутун халқ каби, шоирлар ҳам асосан тарихдан узилган эди. Ҳатто Туркистон сўзини катта ватан маъносида эмас, ҳозирги Туркистон (эски Ясси) шаҳри маъносида тушунар ва бу каби талқин қилар эдилар. Тўқсонинчи йилларгача ёзилган, тилга олинган Туркистон фақат шу кичик шаҳар маъносидадир. Туркистон давлати ҳақидаги гаплар шеъриятда 1990-йилдан сўнг яралди. Инсон бир-икки йилда ватанпарвар бўлиб қолмайди, ватанпарвар йиллар давомида етилади. Бугунги миллат, бугунги шеърият ана шу шаклланиш йўлидадир.

Тоҳир ҚАҲҲОР.

МАШҲУРА ОПАНИНГ МАВЗУЛАРИ

Дил изҳори

Инсонлар бор касбига меҳр қўяди. Ватанига содиқ қолади. Яқинлар, оила, дўстларига вафодор бўлади. Аслида бу ҳаммамизга хослик. Лекин шундай содиқлик борки, бу ҳаммагаям хос дейиш қийинроқ. Қаламга содиқлик.

Машҳура опага айнан шундай содиқлик мушарраф бўлган. Кўпинча ўзаро суҳбатларимиз газетачиликнинг машаққати-ю, қувончли онлари ҳақида эмас, ёзилаётган, ёзилажак мавзулар устида бўларди. Биз ёш, ўрта бўғин авлод дастлаб ишга келган кезлари кўпда ботиниб ҳар нарсани сўрашга журъат қилолмасдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, Машҳура Мирзамуҳамедованинг ўзига хос, «ўз» мавзулари бор. Тенгдошлари гап келганда «Машҳура Зияевнанинг мавзуи» деб қўйишарди. Баъзида мақолага кўзингиз тушиши биланоқ муаллифини услуби, тилидан, жанри ёки мавзуига қараб ҳам сезиш қийинмас. Чунки бу мавзуда ҳаммаям маромига етказиб, нишонга уриб ёзавермайди-да.

Одатда аёл қаламкашларни маънавият кўпроқ ўйлантиради. Аммо ҳаммамиз ҳам ҳарбий маънавиятни, саноат мавзуини талқин қилишга қўл уравермаймиз. Ҳарбийлар ҳаёти қизиқарли, бироқ биз аёллар ҳарбийлар ҳузурида бир-икки сафар бўлгач, улардан «безиб» қоламиз. Машҳура опа учун эса акси. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари жасорати ҳақида ёзган мақолалари шунчалик бойки, «Машҳура опа, булар билан бемалол докторлик диссертацияси ёзсангиз бўларди» деб қўярдик баъзан. Ўша «қизил империя» гуриллаган даврдаям у киши бу тарихий давр тафсилотининг бир ёқламалиги хусусида тап тортмай дангал айтарди, ёзарди.

Яқин ўтмишдаги воқеалар. Собиқ Иттифоқ умрини яшаб бўлган, тахт тебраниб турган кезлар. Оналар совуқ темир тобутлар устида чирқираб, фарёд чекаётган дамлар. Эсимизда, нафақат одамлар қўнғироқ қилар, балки ҳамкасблар ҳам Машҳура опанинг ҳузурига аҳволни билиш, маслаҳат сўраш учун шошилишарди. У киши бўлса ҳарбий комиссариатлар, қўшинлар командирлари, ҳатто Узоқ Шарқдаги хизмат қилаётган ўғлонларимиз тақдирига дахлдор масалалар билан банд бўларди. Аҳамият берсангиз, шу мавзуда қалам тебратадиган аёл ижодкорлар бармоқ билан санарли.

Ёки яна бир «ўз» мавзуи-маҳалла. Машҳура опа маҳаллаларнинг ижобий иш тажрибасини биринчи бўлиб газета саҳифасига олиб чиққан ижодкор. Яхши таржимон, зукко, тезкор репортёр. Бундай фазилатлари эса кўп. Инсон сифатида ўта камтар. Катта-катта унвонларга ўч бўлмаган.

Устоз Жўра Ҳолқосимов бундан ўн йил олдин «Машҳурани машҳур қилган сатрлари ойга етди» деганда юз бор ҳақ эди. Ҳозир Жўра ака орамизда йўқ, лекин ёзган сатрлари тирик. Демакки, Машҳура опани эл ардоғига, назарига туширган унинг сатрлари. Опа бизга меҳрибон мураббий. Шогирдлари эса талайгина...

Умида ФАЙЗИЕВА,
Саида ЙЎЛДОШЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
SÜNDÜS
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэлнинг Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан ўзбек ва турк халқи Президентларини самимий муборакбод этади! Дили ва дини бир халқларимизнинг дўстлик алоқалари янада ривож топаверсин.

SÜNDÜS
ҚЎШМА КОРХОНАСИ.

ҒУРУРНИ ҲАМ ПУЛЛАЙДИЛАРМИ?

Қўнғироқ

Қарши шаҳридаги «Мажид» хусусий савдо дўконига кириб, пештахталарда турфа хил ароқлар терилганини кўрдик. «Шаҳрисабз», «Роял», «Невский», «Асланов» «Жириновский»... Шу ерда кўзимиз бир нуқтага қадалиб қолди... Алланечук ҳолатни туйдик. Сотувчи эса буни бошқача тушунди, албатта. Вужудини қулоққа айлантириб турибди, гўё ҳозирда биз унга «фалон ароғингиздан беринг» десагу, у сотса.

— «Жириновский» ароғи қанча?

— 70 сўм, олинг, зўр ароқ!

— Унинг кимлигини биласизми ўзи!

— Ҳа, нимайди?

— Уни мақтаб сотаётган вақтингизда юртингизга ола кўз билан қараётганлигини ўйламайсизми? Ёки сизга барибирми?

Бу — шу сингари ҳолатларнинг бир манзараси, холос. Афсуски, кўпгина жойларда шунақа манзарани учратиш мумкин. Шу ўринда бир нарса ўйлантиради, кишини: ўша сотувчи юқорида тилга олганимизни пуллаётганда ўзининг миллий ор-номусини, ғурурини ҳам қўшиб сотаётганлигини билармикин?

Яна бир мулоҳаза: бу сингари «моллар» нега сотишга рухсат бериляпти ўзи? Ахир, «эркин савдо-сотиқ» тушунчаси «бизга номақбул бўлган молларни ҳам сотгин...» дегани эмаску?!

Илҳом КАРОМОВ.

БОЛА КЎЗЛАРИДАГИ ҚЎРҚУВ

Кўнгил мулки

Мактабдан — ота-оналар мажлисидан қайтаётгандик. Бизга рўпарама-рўпара югуриб келаётган беш-олти ёшлар чамасидаги бола қоқилиб йиқилди. Қаттиқроқ тушди, шекилли, йиғлаб юборди. Дарров турғазишга ҳаракат қилдим. Ўзимча «полвон йигитлар йиқилса, йиғламайди», дея овутмоқчи бўлдим. Аммо бола урнидан тура солиб, қочишга шайланди. Кийимларини қоқиб қўйишимга ҳам унамай, қўлимдан юлқиниб чиқиб кетди. Негадир кўзлари диққатимни тортди. Унинг кўзларида қўрқув бор эди. Шунда қизим айтди:

— Ойижон, баъзи болаларга ойилари «нотаниш аёл чақирса борма, бирон нарса берса зинҳор олмагин, сени ўғирлаб кетади», деб ўргатиб қўйишади.

— Нега? — дейман ғалати бир алфозда.

— Киноларда кўргансиз-ку. Болаларни ўғирлаб кетишиб, кейин ота-онасидан пул талаб қилишади. Шунинг учун...

Юрагимга ғалати ҳиссиётлар чўкди. Бу хавотирнинг оғирлиги ўзимга билинди. Беихтиёр болалигим хотирам кўзгусида ярақлай бошлади.

...Отамнинг кенжаси эдим. Катта онам мени етаклаб юришни яхши кўрарди. Сочларимни майдалаб ўриб, пиликлар солиб, кўзтуморлар тақиб тез-тез қариндош-уруғ, дўст-ёрларинникига олиб борарди.

Рўпарамиздан бирорта одам чиқиб қолса, баъзан шошиб қолиб саломни унутсам:

— Салом қани, қизим? — дея уялтирарди.

— Танимаган кишига салом бераманми, — десам, «Инсон худойимнинг суйган қули. Танисанг, танимасанг Оллоҳ учун салом бер» дердилар.

Болалигимда бизга «нотаниш, бегона» деган тушунчалар бироз ўгайроқ эди. Гўё одам бир-бирига бегона бўлиши мумкин эмасдай туюларди. Уйимизга садақа сўраб келган лулиларга ҳам онам кўпинча чой қуярди. Болаларга ширин гапириб, қулига туршакми, ёнғоқми тутқазарди.

Уйимизда тўй-ҳашамлар бўлса, ош сузилаётганда тоғораларда азадор хонадонларга тарқатардик. Ва бу одатларнинг ҳаммаси бизга табиий эди. Йиллар ўтиб туз-насиба тортиб она қишлоғимдан олисларга кетдим.

Ҳар жойда бор тош-у тарози, дейишади. Мен ҳам ўзим яшаган жойнинг ўлчовига қуникдим. Аммо ҳамон юрагим минг бир тола орқали ўша болаликдан қон-қонимга сингиган одатларга боғлиқдай. Фақат бир пайтлар оддий туюлган бу ҳолат энди мени ҳаяжонга солади.

Кеча эса... Болага чўзилган қўлим ҳавода муаллақ қолди. Ажабланмадим. Лекин оғриндим. Аслида болада айб йўқ. Унинг ота-онаси ҳам «кўринганга қўлингни беравер», — деб ўргатса, эҳтимол, қуйиб қолар. Фақат негадир мени инсонга — ҳазрати инсонга катта эътибор, меҳр, ишонч билан қараб, яшасам деган истак тарк этмайди. Ахир, тириклик ҳаммамиз учун ҳам ганимат-ку!

Раъно ИСМОИЛОВА.

ТЕСТГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Мамлакатимиз олий ўқув юртларига истеъдодли талабаларни танлаб олиш борасида тест синови тобора ўзини оқламоқда. Яқинда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида «Ўзбекистонда педагогик тест синовининг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-услубий семинар бўлиб ўтди. Давлат тест марказининг директори, техника фанлари доктори, профессор Муҳсин Муҳитдинов ва бошқа маърузачилар талаба танлашнинг бу усулини татбиқ этишда эришилган тажрибалар, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими ҳақида сўз юритдилар.

Ўз мухбиримиз.

"ЎЗБЕКДАВЦИРКИ" БИРЛАШМАСИ
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ
НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Хадра майдони)

ТОМОШАЛАРДА ЎРГАТИЛГАН ТУЯЛАР, КУЧУКЛАР, БАҲАЙБАТ ИЛОНЛАР ВА БОШҚА ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ЎЙИНЛАР ТОМОШАБИНЛАРГА ЗАВҚ-ШАВҚ БАҒИШЛАЙДИ.

Томоша икки бўлимли, катта ва ранг-баранг дастурдан иборат.

Томошалар **9-10-11 май соат 12.00 ва 15.00да** намойиш этилади.

Жамоа бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинмоқда

КАССА СОАТ
10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

Хабарингиз борми?

«ЭКОЛОТ» ЛОТЕРЕЯСИ: БАХТЛИ АВЛОД УЧУН!

«Экосан» жамғармаси голландиялик ҳамкор — «АЭС» компанияси билан биргаликда тузган «Эколот» қўшма корхонасининг дастлабки лаҳзалик лотерея чипталари кечадан бошлаб сотувга чиқарилди. Баҳоси 20 сўм бўлган лотерея чипталарини Халқ банкининг барча бўлимларидан сотиб олиш мумкин. Унинг ҳар бешинчиси ютуқли. Омадингиз келса, 1 миллион сўмлик ютуқ эгаси бўлиш мумкин.

Лотереядан тушган фойданинг асосий қисми «Экосан» жамғармасининг ижтимоий ва экологик лойиҳаларини молиявий маблағ билан таъминлашга сарфланади.

Алишер РЎЗИЕВ.

"БЕТА — ЭЛЕКТРОНИК ЎЗБЕКИСТОН КОМПАНИ ЛТД"

25 ЁШГАЧА БЎЛГАН,
САВДО ИШИДА ТАЖРИБАЛИ
КИЗЛАРНИ
ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ОЙЛИК МАОШ ШАРТНОМА АСОСИДА ТЎЛАБ БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун телефонлар:
48-05-10, 48-04-97.
Факс: (3712) 48-09-90.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши 33-шифохона бош шифокори **Аҳрор Анварович АЗИЗОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ мухбири, республика ИИВ Матбуот маркази ходими, милиция катта лейтенанти Шуҳрат Рўзиевга укаси **Жаҳонгир РЎЗИЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ECO LOT — бахтли авлод учун! — ECOSAN

"ЭКОЛОТ" *лотерея чипталарини* **Халқ банки** *бўлимларидан* **6 майдан** *бошлаб сотиб олишингиз мумкин.*

Чиптанинг баҳоси — 20 сўм.

Чипталар орасида иккита **1.000.000** *сўмлик ютуқ ўйналади.*

Чипталар биринчи кунининг сотилишидан бошлаб 6 ой давомида кучга эга деб ҳисобланади.

Ҳар бир бешинчи чипта ютуқлидир.

200 сўмгача бўлган ютуқли чипталар эгалари ютуқларини жойларда олишлари мумкин. Катта ютуқ тўловлари Халқ банки экспертизасидан ўтганидан сўнг тўланади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. РЎЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0242

Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 22.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА